

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АМРИДИНОВА ДИЛРАБО ТУРСУНОВНА**

**ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛ ИНСОН  
КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Амридинова Дилрабо Турсуновна**

Жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг

фалсафий-ижтимоий моҳияти ..... 3

**Амридинова Дилрабо Турсуновна**

Философско-социальная сущность концепции джадидизма о всесторонне-развитой личности .....

31

**Amridinova Dilrabo Tursunovna**

Philosophical and social essence of the concept of a harmoniously developed personality in Jadidism teaching.....

59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АМРИДИНОВА ДИЛРАБО ТУРСУНОВНА**

**ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛ ИНСОН  
КОНЦЕПЦИЯСИНинГ ФАЛСАФИЙ-ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Fal34 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзматова Гулноз Мирахоровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Мадаева Шахноза Амануллаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Саифназаров Исмоил**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**


**Бухоро давлат университети**


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил "18" 12 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 75 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил "7" декабрь хунида тарқатилди.  
(2021 йил "6" декабрь даги 75 рақамли реестр баённомаси).



  
**Ш.Ш.Негматова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

  
**Х.А.Джуракулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа. ф. б. фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**А.Р.Самадов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда рўй бераётган бугунги глобаллашув жараёнида инсон онги ва тафаккурини эгаллашга бўлган уринишлар тобора кучайиб бормоқда. Бу биринчи навбатда, иймон-этиқоди ва ахлоқий фазилатлари юксак, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган маънавий баркамол фуқароларни тарбиялаш, иккинчидан, тарихий хотирани ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Вужудга келган маънавий-ахлоқий онгининг ўзгариши оқибатида ёш авлодни мафкуравий, ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилишда улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси, анааналари, маърифати, юксак билим, касб-ҳунар ва ахлоқий етукликка интилиш каби хислатларини давом эттиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Айниқса, уларнинг таълим-тарбия, комил инсонга оид прогрессив қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида буюк мутафаккирларнинг бой маънавий меросини тадқиқ қилишга қаратилган илмий-назарий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, мутафаккирлар маънавий меросида инсон моҳияти, маънавий комиллик мезонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, комил инсон ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таҳлили ва ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар конструктив аҳамият касб этмоқда. Зеро, мутафаккирларнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ғоя ва таълимотлари бугунги кунда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоялашда, ёш авлоднинг фалсафий онгини юксалтириш ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда илмий-концептуал аҳамиятга эга. Шу маънода, ёшларнинг фалсафий-гносеологик дунёқарашини юксалтиришда мутафаккирларнинг, айниқса, жадид намояндаларининг маънавий-илмий меросини замонавий илмий-методологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш бугунги илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда маърифатпарварларнинг илмий, маънавий меросида илгари сурилган ватанпарварлик, собитқадамлик, бағрикенглик, маънавий огоҳлик, гуманизм, шахс камолоти борасидаги қарашларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрини англаб етади”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, бугунги жамият тараққиёти ва маънавий қиёфасини юксалтиришда жадид намояндалари томонидан илгари сурилган “комил инсон концепцияси”нинг конструктив аҳамиятини фалсафий тадқиқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь, №19 (7521) сони.

этиш ҳамда унинг концептуал асосларини ёшлар онгига сингдириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари ва 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида инсон моҳиятини ўрганишга ва инсон фалсафий тафаккурига таъсири масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ўрта Осиёда илмий тадқиқотлар маркази, Марказий Осиё университетида жадидчиликга доир муаммолар Калифорния университети (АҚШ), Гумбольд номидаги Берлин университети, Германия илмий тадқиқотлар маркази (Германия), Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази (Буюк Британия), Ўрта Осиё институти (Франция), Яқин Шарқ университети (Кипр), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Истанбул университети (Туркия), Тожикистон миллий университети (Душанбе) олимлари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университетларида (Ўзбекистон) тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Туркистон жадидларининг маънавий меросида комил инсон ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таҳлили ва ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий мероси, хусусан,

<sup>1</sup><https://hu-berlin.academia.edu/IngeborgBaldauf>; <https://www.researchgate.net/publication/270848769> Jadidism Phenomenon in Central Asia. <https://www.rferl.org/a/1060543.html>; <https://iranicaonline.org/articles/jadidism>; [https://dspace.spbu.ru/bitstream/11701/12707/1/dzhadidy\\_i\\_kadimity\\_1\\_2\\_glava\\_vosstanovlen\\_3\\_3.docx](https://dspace.spbu.ru/bitstream/11701/12707/1/dzhadidy_i_kadimity_1_2_glava_vosstanovlen_3_3.docx);

Махмудхўжа Бехбудийнинг ижодида маънавий комиллик мезонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни илмий асосланган (Hofstra university, Нью Йорк); жадидчилик таълимоти намояндаларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари ва комил инсон ҳақидаги ғояларининг инсон камолотига маънавий-руҳий таъсири асосланган (Санкт-Петербург университети, Россия); шунингдек, М. Бехбудийнинг илмий-маънавий мероси манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган (Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти, Россия), жадидларнинг халқаро алоқалари, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашилиши инсоннинг ўзлигини билишда муҳим эканлиги кўрсатилган (Олтой давлат университети, Россия).

Дунёда Туркистон жадидларининг маънавий меросини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон маънавий-ахлоқий инқирозининг олдини олиш; эгоцентризмнинг потенциал сабабларини бартараф этиш; инсонлар орасида меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришга оид илмий концепциялар яратиш; миллий-маънавий мерос захираларини бойитиш; инсон маънавий тараққиёти тарихида алоҳида шахсларнинг тутган ўрнини тадқиқ этиш; комил инсон ҳақидаги таълимот тарихини янада бойитишда Марказий Осиё мутафаккирлари илмий маънавий меросининг фундаментал аҳамиятини очиб бериш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жадидларнинг маънавий меросини ўрганиш дунё илмий жамоатчилиги эътиборини доим ўзига жалб қилиб келган. Хусусан, хорижий мутахассис-олимлар томонидан умуман жадидчилик ҳаракати, шу билан бирга Туркистон жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши, мазмун-моҳияти хусусида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, америкаликлар Адиб Холид, Э.Олворт, франциялик А.Беннингсон, германиялик И.Балдауф<sup>1</sup>, япониялик Хисао Коматсу, орлеанлик профессор Э.Лаззери каби шарқшунос, тарихчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар Туркистон жадидчилик ҳаракатининг генезиси, эволюцияси, ижтимоий-фалсафий моҳиятига қаратилган бўлиб, маълум даражада мавзу доирасидаги Туркистон жадидчилик таълимотининг мазмун-моҳиятини очиб берилганлигини кўриш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А.Маниёзов, Г.Ашуров, М.Шукуров, О.Сайфуллаев, Р.Ҳодизода, А.Мираҳмедов, Н.Нуртазина, Н.Гафаров, Стефан А.Дюдуаньон<sup>2</sup> каби олимлар томонидан жадидларнинг адабий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти тадқиқ қилинган. Бироқ тадқиқотларнинг жадидчилик ҳаракатининг ғоявий, ижтимоий-фалсафий моҳияти, жадидчилик таълимотидаги умуминсоний,

---

<sup>1</sup> Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001). Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>2</sup> Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татаристана, 1997; Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар талқинига оид асарларида жадиdlарнинг комил инсон муаммосига оид қарашлари деярли ўрганилмаган.

Юртимиз олимларидан Ш.Раджабов<sup>1</sup>, И.Мўминов<sup>2</sup>, М.Фаттаев Д.Алимова, Д.Рашидова, Д.Зияева, Ҳ.Содиқов, А.Алиев, Б.Қосимов, Б.Назаров, Б.Дўстқораев, М.Худойкулов, Н.Каримов, О.Шарафиддинов, С.Қосимов, Ш.Ризаев, Э.Каримов, Ғ.Махмудов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ<sup>3</sup>.

Фалсафа фани доирасида жадиdчилик ҳаракатининг ижтимоий, маърифий, ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатлари фалсафий контекстда Б.Эргашев, Ж.Я.Яхшиликков, Г.Махмудова, Ш.Мадаева, Л.Муҳаммаджонова, М.Нурматова, Б.Очилова, Р.Шодиев, А.Айматов, С.Абдувоҳидов, Х.Ашурова каби файласуф - олимлар томонидан ўрганилган<sup>4</sup>. Жумладан, жадиdчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳақида: Б.Эргашев “Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма”; Р.Шодиев “Самарқанд жадиdlарининг фалсафий-ижтимоий қарашлари”; С.Абдувоҳидов “Жадиdчилик ҳаракатининг ижтимоий – сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон”; Х.Ашурова “Самарқанд жадиdlарининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги)”, жадиdчилик ҳаракатининг маърифий, ахлоқий масалалари тўғрисида Л.А.Муҳаммаджонованинг “Жадиd маърифатпарвар шоирлари – Анбар Отин ва Дилшод Барнонинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари”; Ш.О.Мадаева “Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”; жадиdчилик ҳаракатининг маънавий ва эстетик жиҳатлари Г.Махмудованинг “Джадидское движение в Туркестане и его влияние на развитие нравственно-эстетической мысли”; М.Қ.Нурматова “XVIII-XIX асрларда Ўзбекистонда эстетик тафаккур тараққийси (Ўзбек мумтоз шоирлари ижоди мисолида)”; А.Айматовнинг “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадий асослари” масалаларига қаратилган изланиши мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Шунингдек, мавзуга оид Ватанимиз тарихчи ва адабиётшунос олимларнинг қатор илмий тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин. Жумладан, Д.Алимова “Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость”; Д.Н.Раджабова “Туркистон жадиdlарининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалаларини (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари)”; Д.Зиёева “Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движение «Истиклолчилик»); XX аср бошлари Туркистон миллий-озодлик ҳаракати ҳамда жадиdчилик ҳаракатининг ўзаро алоқадорлигини очиб беришда Қ.Ражабовнинг “Жадиdlар - истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнаmolари” тадқиқотлари; Х.Ваҳидов “Просветительская идеология в

<sup>1</sup>Раджабов Ш. Джадидизм и Туркестане (1905—1917 гг.). Тезисы на диссертации на соис. уч. ст. канд. ист. наук.-Ленинград, 1937.

<sup>2</sup>Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане конца XIX- начало XX вв.- Ташкент, 1957.

<sup>3</sup>Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>4</sup>Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



Туркестане (1870-1925)”; Б.Қосимов “Жадидчилик”, “Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик”, “Буюк сиймолар, алломалар” номли тадқиқотларни, У.Долимов “Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата”; А.А.Жалолов “Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XX аср охири ва XX аср бошлари)” каби мавзуга доир бир қатор илмий-назарий тадқиқотларни амалга оширдилар.

Ушбу фалсафий тадқиқотларда жадидчилик таълимоти мазмун-моҳиятининг тарихий-бадий асослари ҳамда маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий-фалсафий талқини билан боғлиқ бўлган янги маълумотлар тақдим этилди.

Бироқ Туркистон жадидчилик таълимотининг ижтимоий-фалсафий таҳлили натижалари асосида минтақада янгиланиш жараёни содир бўлганлиги ва комил инсон концепциясини илмий тадқиқ этиш ҳали яхлит ҳолда илмий таҳлил қилинмаганлигини кўрсатди. Диссертацияда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилинди. Мавзу доирасидаги муаммо илк бор тадқиқ этилиши билан аҳамиятлидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” ( 2020-2022 ) мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Туркистон жадидларининг ижтимоий-фалсафий меросини фалсафий нуқтаи-назардан тадқиқ этиш ва ундаги комил инсон концепциясини илмий асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда вужудга келган жадидчилик таълимотининг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлили натижалари асосида комил инсон концепциясини илмий тадқиқ этиш;

жадид-маърифатпарварларнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари ўтмиш тарихий-фалсафий тафаккурининг давоми эканлигини ворисийлик тамойили воситасида асослаш;

жадидларнинг миллий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотчилик ҳаракатлари асосларининг замонавий таълим тизимини такомиллаштиришдаги ролига ҳолисона баҳо бериш;

жадидлар маърифатпарварлик таълимоти орқали келажак авлоднинг ижтимоий позициясини мустаҳкамлаш ва шу асосда миллий мафкурамиз назарий асосларини бойитиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, байналминаллик, бағрикенглик туйғуларини шакллантиришга қаратилган ғоялари моҳиятини очиб бериш;

жадид намояндалари маънавий меросининг конструктив мазмун-моҳиятини ёшлар онгига синдиришга доир амалий ва методологик таклиф-

тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Туркистон жадидлари маънавий меросидаги комил инсон концепциясини илмий таҳлили.

**Тадқиқотнинг предмети** жадидлар таълимотида илгари сурилган комил инсон ҳақидаги ижтимоий фалсафий ғоя ва қарашларни илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, ворисийлик, анализ ва синтез, индукция, дедукция, даврлаштириш, таснифлаш каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жадидчилик таълимотидаги зиёли инсон, миллий ўзликни англаш, ҳуррият, озодлик, Ватан тараққиёти сингари ғояларининг ҳозирги давр баркамол авлод фаол ижтимоий позициясини шакллантиришда субстанционал негизга эга эканлиги фалсафий асосланган;

миллий мафкурамиз назарий асосларини бойитишда жадидчиликнинг “комил инсон концепцияси” ҳамда инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиш зарурияти ворисийлик тамойили контекстида исботланган;

жадидларнинг терминология борасидаги секуляристик ғоялари тил ва тафаккур соҳасини герменевтик ривожлантириш омилларидан бири эканлиги мантиқий далилланган;

жадидларнинг маърифатпарварликка асосланган фалсафий-илмий ғоялари замонавий маънавий-маърифий тарғибот ишларининг асоси эканлиги қиёсий таҳлил, дедукция, индукция методлари орқали илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

жадидларнинг миллий таълим тизимини модернизациялаштиришга қаратилган, “дунёвий тафаккур”, “миллий ахлоқ”, “инсонпарварлик”, “уйғунлашувига эришиш” каби ўз даврининг инновацион ғоялари - замонавий комил инсон, Янги Ўзбекистон тараққиётидаги Учинчи Ренессанс бунёдкорлари ахлоқий тарбиясининг концепциясининг назарий асоси эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг фалсафий-ижтимоий моҳиятини акс этувчи механизмлари ишлаб чиқилган ва амалий таклифлар берилган;

жадидларнинг маънавий меросида миллатпарварлик ғояларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрнини чуқурроқ англаб етишга қаратилган ғоя ва қарашлари асосида илмий-амалий, ўқув машғулотлари, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этишда амалий фойдаланилган;

Туркистон жадидлари ижтимоий - фалсафий қарашларининг инсонпарварлик, маънавий юксалиш, бағрикенгликка йўғрилган янги қирраларини ўрганиш натижасида уларнинг ҳозирги даврда мамлакатимизда фуқаролик жамияти, демократик давлат қуришдаги назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган;

Янги Ўзбекистон миллий тараққиётини таъминлаш ва муносиб тадбиркор, билимдон авлодни тарбиялашда жаҳид мутафаккирларининг маънавий мероси янги фалсафий тафаккур тарзи шаклланишига илмий – методологик жиҳатдан хизмат қилиши асосланган;

Замонавий ёшлар тарбиясида жаҳид мутафаккирларининг маънавий меросидан самарали фойдаланиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, баркамол авлодни тарбиялаш ва ёшларнинг илмий салоҳиятини оширишда, мавзуга доир тадқиқотларни бойитиб боришда диссертациядаги назарий хулосалар ижтимоий-сиёсий ғоялар, тарихий- фалсафий илмий-амалий билимлардан назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва ғоялардан фалсафа, фалсафа тарихи, фуқаролик жамияти, ахлоқшунослик, педагогика, диншунослик фанларидан маърузалар ўқишда, маънавият ва миллий ғоя бўйича дарсликлар тайёрлашда, илмий-оммабоп маърузалар ҳамда жаҳидларнинг маънавий мероси билан қизиқувчилар учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда асосий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жаҳидларнинг ижтимоий-фалсафий таълимотида комил инсон концепциясини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш асосида:

жаҳидчилик таълимотидаги миллий ўзликни англаш, озодлик, ватанпарварлик ғояларнинг ҳозирги даврда комил инсонни тарбиялаш ва инновацион шахсни шакллантиришдаги концептуал жиҳатлари, баркамол авлоднинг фалсафий-илмий дунёқарабини ривожлантириш ва уларда фаол ижтимоий позицияни шакллантиришга оид таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” дарслигининг “Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари” деб номланувчи 2-бобининг “Маърифатпарварлик ғоялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” номли мавзусини ва “Комил инсон, баркамол авлод тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти” деб номланувчи 18-бобининг “Комил инсон, баркамол авлод тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти” ҳамда “Комил инсоннинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар” номли мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 89-03-1042-сон маълумотномаси). Натижада, жаҳидчилик фаолиятини ёритиш орқали комил инсон идеалини кўрсатиб бериш ва ёшларда маърифатпарварлик ғояларини ривожлантиришга эришилган;

миллий мафкурамиз назарий асосларини бойитиш, жадидчилик таълимотидаги инсонпарварлик ғояларидан фойдаланишда ворисийлик тамойилининг методологик аҳамиятига доир таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурнинг ўсиши демократик ўзгаришларнинг қонуний оқибати” деб номланувчи VI боби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1148-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув қўлланманинг мавзуларини илмий манбалар билан бойитишга ва ёшларнинг фалсафий-илмий дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилган;

жадидларнинг тилшуносликка оид қарашлари, уларнинг ўзбек тилини соф ҳолда сақлаш, терминларни ўзбекчалаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланган “Инглизча ва русча ижтимоий-сиёсий терминларнинг ўзбекча электрон луғати” номли луғатни тузишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1148-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳани экспонатини бойитишга хизмат қилган;

жадидлар таълимотида акс этган маърифатпарварлик ғоялари бугунги маънавий-маърифий тарғиботнинг асоси эканлигига доир назарий хулосалари ва амалий таклифларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йил 1 ноябрдаги VI Съездида тасдиқланган ЎзМТДП Самарқанд вилояти Кенгашининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Худудий Дастурининг маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишларини шакллантиришда фойдаланилган (ЎзМТДП Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 17 мартдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада, партиянинг тарғибот тадбирларининг савиясини янада бойитишга, ёшларда миллий ўзликни англаш, узлуксиз миллий тарбия тизимини такомиллаштириш, юксак маънавиятли ватанпарвар авлодни тарбиялашга хизмат қилган;

жадидларнинг илмий меросидаги миллий таълим тизимини модернизациялаштиришга қаратилган инновацион ғояларнинг бугунги кундаги заруриятига доир методологик тавсиялари ва амалий таклифларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Samarqand” телеканалида 2020 йил 16 феврал куни соат 21:00да эфирга узатилган “Бекат” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 23 апрелдаги 09-01/158-сон маълумотномаси). Натижада, фарзанд тарбияси ва инсон камолотида буюк алломалар маънавий меросининг конструктив аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 16 та республика миқёсидаги илмий анжуман ва конференцияларда муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан 2 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (шулардан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 233 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Жадидчилик таълимотидаги комил инсон концепциясининг назарий-методологик ва илмий-фалсафий асослари”** деб номланган биринчи бобида фалсафий тафаккур тараққиёти тарихида содир бўлган ҳар бир ҳодиса сингари, жадидчиликнинг ҳам вужудга келиши учун ижтимоий сабаблар мавжуд бўлгани очиб берилган. Хусусан, жадидчилик ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихий шарт-шароит билан боғлиқ. Чор Россияси томонидан босиб олинган Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати ўзининг жадидлар номи билан тарих сахнасига олиб чиқди. Миллий истибдод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалидан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутулиши мумкин эди. Жадидчилик<sup>1</sup> ҳаракати, аввало, сиёсий оқим сифатида вужудга келди. Шу боисдан жадидларнинг фаолияти Туркистоннинг барча ҳудудларида намоён бўла бошлади.

Тадқиқотда Туркистонда вужудга келган жадидчилик таълимотининг мазмун-моҳияти миллий ривожланиш фалсафасига қаратилган. Бундай ривожланиш, энг аввало мустақил тафаккурга эга бўлган халқни жипслаштириш позициясига олиб бориши мумкин эди. Бу ҳаракат ўз даврининг энг илғор вакиллариининг саъй-ҳаракатларида намоён бўлди. Жадид зиёлилари таълим бериш орқали, ижодкорлик туфайли дарсликлар, шеър ва публицистик мақолалари билан халқнинг онгини оширишга ҳаракат қилдилар. Жадидчилик тафаккур тарзи ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий шароити ва сиёсий ҳолати негизда вужудга келган.

---

<sup>1</sup> Жадид-арабчадан олинган бўлиб, “ال جديد” - “янги” маъносини англатади.

Диссертацияда жади́длар маҳаллий халқлар турмушидаги қоқоқлик, илмсизлик, ғариб ва қашшоқ ҳолатлардан фақат миллий онғни ривожлантириш орқали халос бўлиш мумкинлигини ижтимоий фаол ҳаракатлари натижасида ўзларининг асарлари, газеталари ва журналлардаги чиқишлари орқали таъкидладилар. Тарихдан яхши маълумки, деб ёзади Бехбудий, “Ҳақ олинур, берилмас. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва мамлакатимизга зулм, таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”<sup>1</sup>!

Демак, жади́дчилик ҳаракатининг дастлабки даврида халқни маърифатли ва маданиятли қилиш позициясида бўлган бўлса, кейинги босқичларида ижтимоий-сиёсий шароит кўпроқ сиёсий кураш томон буриб юборди. Жади́дчиликнинг кейинги босқичлари янғича кўриниш ола бошлади. Маълумки, жади́дчиликдаги вужудга келган сиёсий ғоявий тафовутлар маҳаллий ёшларнинг Германия ва Туркия каби давлатларга бориб ўқиб келиши натижасида ўзгарди<sup>2</sup>. Уларнинг Туркистонга қайтиб келиши жади́дчилик ҳаракатини сиёсий курашга айлантирди ва асосий позицияси мустақиллик учун кураш ва мамлакатни ривожлантиришга қаратилган эди. Ўз мақсадларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, солиқларни камайтириш, деҳқонлар, хунармандлар турмушини енгиллаштириш, амалдорлар ўзбошимчилигини чеклашда жади́дларнинг аралашувини талаб қила бошлади. Бундай сиёсий талаблар ижтимоий ўзгаришни истаган халқ учун маъқул келди. Кейинги даврга келиб, жади́дчилик ҳаракатида бўлиниш содир бўла бошлади. Бу эски тарздаги жади́длар ва янғича кўринишдаги ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиққан жади́дларга ажралди. Оғир ижтимоий ҳаёт шароитида турли йўллар билан ижтимоий-сиёсий кураш орқали адолат учун астойдил кураш олиб бориш уларнинг асосий мақсадига айланган эди.

Жади́дларнинг дунёқарашига муҳим таъсир этган ғоявий фалсафий таълимотлар генезисига назар соладиган бўлсак, уни анчагина қадимий даврларга бориб етиши ва кейинчалик эволюцияга юз тутиб, турли манбаларда ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўламиз. Зероким, миллий фалсафа тарихида комил инсон ғояси ҳаминиша ўзига хос тарзда ривожланиб келгандир.

Комил инсонни тарбиялаш мумтоз ва ҳозирги замон фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Мазкур масала бўйича жаҳон фалсафасида ғоят муҳим ва ибратли фикрлар мавжуд бўлган. Тарихда халқларнинг муштарак ёдгорлиги “Авесто”, “Ўрхун-Энасой битиклари”да, шунингдек, Афлотун, Арасту, Конфуций, ал-Форобий, ибн Сино, ал-Беруний, Юсуф Хос Ҳожиблардан тортиб ҳозирги замон файласуфлари бу борада ўзига хос фикр-мулоҳазалар билдиргани диққатга сазовордир.

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлари. –Тошкент.:Маънавият, 2009. –Б.13.

<sup>2</sup> Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Тошкент.: Академ - Хизмат, 2006. –Б.34.

Маълумки, Шарқ фалсафаси ва тасаввуф тарихида Шайх Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳиддин ибн ал-Арабий (1165-1240) томонидан комил инсон (كاميل ينسان) тушунчаси биринчи марта муомалага киритилган. Комил инсон бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси деб тасвирланади.

Ушбу муаммога бевосита ўз асарларини бағишлаган мутасаввуф Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, “Яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”ни ўзида мужассамлаштирган ҳар қандай кишини баркамол инсон дейиш мумкин<sup>1</sup>. Баркамол инсоннинг бутун саъй-ҳаракати ҳалолликка, ростгўйликка, эзгуликка қаратилган бўлиб, одамларни меҳрибон бўлишга, бир-бирига озор бермасликка, ҳамдард бўлишга, ижтимоий масалаларни ечишда суянишга чорлайди. Азизиддин Насафий фалсафий қарашларида комил инсон бошқалардан яхшилиг-у ёмонликни зукколик ила билиб олиш қобилияти билан ажралиб туради, яъни ижтимоий ўзгаришлар бундай кишилар қалбида бошқалардан аввалроқ ўз аксини топади, деб тушунтиради. Шундай экан, оламдаги мавжудотлар орасида комил инсондан улуғроқ, донороқ киши йўқ, чунки мавжудотнинг энг пастидан энг аълосигача бўлган мартабалар баркамол инсон мартабаларидир, баркамол инсон мавжудот хулосаси ва қаймоғидир<sup>2</sup>.

Бундай кишилар ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бўладилар. Баркамол инсон жамият ичида шаклланади, яъни азалдан мартабаси аниқланган руҳ эмас, балки маънавий – ахлоқий покланиш жараёнида камолотга эришади.

Комилликка элтувчи йўл барча иллатлардан фориғ бўлиш, эзгу фикрларга ва эзгу амалларга таяниш, ҳақ йўлида илм – маърифатга интилиш орқали боради. Барча фазилатлар манбаини ўқиш, ўрганиш ва маърифат ташкил этади. Шу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг қуйидаги ҳикматини келтирмоқ ўринлидир: “Илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қилади. Шунингдек, таълим ва тарбия бир бутунликни кўрсатади, фақат шу борлиққа амал қилган шогирдлар камолот сари бора олади”<sup>3</sup>.

Бу борада, Абу Наср Форобий эса, инсон комиллигининг таянч манбаи сифатида етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият ғоясини илгари суради. Ахлоқий фазилатлар негизида инсонни комиллик сари етакловчи хислатлар шаклланади. Фозил инсон ғояси Форобий таълимотида фозиллик хислатларини тарбия этувчи фозил жамият ғояси билан уйғунлашиб кетган. «Фозил одамлар шахри» асарида мутафаккир ахлоқий етукликка эришган инсон ўн икки фазилатга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Булар: соғломлик; фаросатлилик; кучли хотира; зукколик; сабр-қаноатлилик;

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. –Тошкент.: Ёзувчи, 1996. –Б.147.

<sup>2</sup> Юқоридаги манба. –Б.147.

<sup>3</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон. 2 – жилд. –Тошкент.: Фан, 1965. – Б.36.



маърифатпарварлик; нотиклик; ҳақиқатгўйлик; олийжаноблик; молпараст бўлмаслик; мардлик; адолатпарварлик<sup>4</sup>.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. **Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир<sup>1</sup>.**

Тадқиқотда XVI – XVII асрлар фалсафасида баркамол инсон ғояларини тадқиқ қилишда фаоллик кўрсатган Сўфи Оллоёр эканлиги асосланган. Сўфи Оллоёрнинг фалсафий қарашларида, жамият маънавиятининг ҳолати аёл одоб-ахлоқи билан ўлчанади. Чунки аёл – жамият асоси ҳисобланган оила негизини ташкил этади. Аёл одобли – ахлоқли, фазилатли бўлса, оила шунча маърифатли бўлади. Оила маърифатли бўлса, жамият шунча маданиятли бўлади. Яхши аёл нафақат оила, балки диннинг камолотидир. Одоб-ахлоқли аёлларда поклик, вафодорлик, садоқат, қаноат каби ижобий фазилатлар жамулжам бўлади.

Жадидлар ўша замон кишисининг комиллик сифатларини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар: бир томондан, миллий ва исломий анъаналарга, хусусан, мутасаввуф алломаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотига таянган, уларни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантирган бўлсалар, иккинчи тарафдан, Европа фалсафаси ва адабиётида ўз талқинини топган инсон концепциясидан давр ва ўзига хос миллий муҳит, халқнинг турмуш тарзи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унумли фойдаландилар.

Жадидлар ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, илмий рационаликни сақлаган ҳолда, илмий тушунчаларни диний эътиқод билан мувофиқлаштиришга интиланлар. Жадидлар фалсафий қарашлар ва Қуръон таълимоти ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар.

Жадидлар диний ва миллий бағрикенгликни тарғиб қилдилар ва уни ҳаётда амалга оширишга интилдилар. Айниқса, ҳар бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан камситилишига ва миллатлараро никоҳга қарши бўлганларга “ҳар бир мусулмон китобий халқлар билан турмуш қуришга мухтордир”<sup>2</sup>, деб жавоб бердилар.

Тараққийпарвар ва маърифатпарвар Абдурауф Фитрат хотин - қизларимизнинг ўқимишли бўлиши, келажак авлодларимизни нодон ва

<sup>4</sup> Абу наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – Б.330.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юскак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.:Маънавият, 2008. –Б.47-48.

<sup>2</sup> Қосимов С. Бехбудий ва жадидчилик. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 26 январь.

жоҳил, тарбиясиз бўлмасликлари болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари учун зарурдир, деб таъкидлаган. Авлоний тарбияни «оиладаги мушкул вазифа гўдак таваллудидан сўнгги эр-хотин бўйнига тушадиган фарзанд тарбиясидир»<sup>3</sup>, – деб эътироф этган.

Ғарб ва Шарқ инсоншунослигини пайванд қилишга интиланган жаҳид мутафаккирлари ижобий қаҳрамонларига зиёли шахс деб берилган таърифида комилликнинг “оврупоча андоза”си кўзга ташланади.

Умуман олганда, комил инсон тарбияси ҳамма даврларда муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланиб, яхши таълим-тарбия кўрган инсонга жамиятнинг бойлиги, деб қаралган. Инсоннинг зеб-зийнати у эгаллаган билимлари ҳамда кўрган тарбияси билан ўлчанган. Билимли инсонлар етук деб саналса, мутафаккирларимиз қарашларида комил инсон бўлиш учун кўпгина фазилатларга эга бўлиш лозимлиги ўз аксини топганини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жаҳидлар таълимотининг ижтимоий-фалсафий моҳияти”** деб номланган. Ушбу бобда турли манбаларга асосланган ҳолда жаҳидчилик фалсафаси, ундаги онтология ёки гносеологиянинг умумназарий масалалари унинг маърифатпарварлик масалалари билан йўғирилганлиги, улар ижодида ўша давр давр ҳаёти ва миллат тақдири билан боғлиқ кўплаб фалсафий муаммолар жаҳидларнинг диққат марказида турган.

Тадқиқот натижасида жаҳидларнинг ҳаёти ва ижод йўли тўғрисидаги материаллар бир тизимга келтирилганлиги ва хронологик тартибда берилганлиги туфайли, уларнинг маънавий меросидаги ижтимоий ва фалсафий қатламни топиш имконияти вужудга келди. Олиб борилган тадқиқот “горизонтал” характерга эга эканлигини таъкидлаш баробарида, келгусида жаҳидларнинг фалсафий меросини, “вертикал” тарзда илмий тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади ва амалга оширилиши олдимизда турган вазифадир.

Бу борада юртимизда мустақиллик йилларида баркамол авлод камолоти, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялаш масаласига ўзига хос тарзда, замонавий усуллар асосида ёндашилмоқда, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тизимли равишда такомиллашиб бормоқда.

Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг ижтимоий тақозоси туфайли субъект турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, жаҳид маърифатпарварлари прогрессив ижтимоий-фалсафий ғоялари жамият тараққиёти ва давлатчиликни туб ислоҳ қилишга қаратилган эди. Шу сабаб XX аср бошида юз берган маънавий уйғониш, ижтимоий ўзгаришлар халқ зиёлиларининг олдига ўзликни англаш, ўз миллатининг қадр-қиммати ҳақида қайғуришдек муҳим вазифаларни қўйди. Бу даврда тарих саҳнасиغا чиққан

<sup>3</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Тошкент.: Маънавият, 2000. – Б.5.

зиёлилар маърифат орқали халқни ёруғликка олиб чиқишга умид боғладилар. Жадид зиёлилари зиммасига маданий-маънавий меросни тиклаш ва халққа етказиш, ўтмишдаги буюк сиймоларни танитиш, асарларини нашр қилдириш каби мураккаб, аммо долзарб вазифалар кўндаланг бўлиб турар эди. Шу даврда кучли прогрессив ҳаракат ҳисобланган жадидчилик юқорида эътироф этилган омиллар миллий ўзликни англашда ниҳоятда муҳим эканлигини тўғри баҳолай олган эдилар. Чунончи, жадидчилик ҳаракати намояндалари жамиятда маънавий қашшоқлик муҳитининг мавжудлигини тушуниб етдилар ва ижтимоий-фалсафий, иқтисодий тафаккурни, тарихий хотирани уйғотиш асосида миллий ўзлик туйғуларини шакллантириш субъекти сифатида майдонга чиқдилар. Миллий ўзлик туйғусини шакллантиришда Туркистон жадидчилиги тизимида Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм жадидчилик мактаблари ҳам салмоқли ўрин эгаллаганлигини эътироф этиш лозим.

Жадидлар ўз асарларида жамиятни маърифат орқали ислоҳ қилиш билан истиқлолга эришиш мумкинлигини эътироф этдилар, миллат ўзлигини англаши учун тарихий хотирани ривожлантириши лозим деган фикрни илгари сурдилар, жамият аъзолари “нокомил”лигининг ижтимоий сабабларини очишга ҳаракат қилдилар ва шу орқали баркамол авлодни тарбиялашнинг объектив шароитлари ва субъектив омилларини кўрсатишни мақсад қилиб қўйдилар.

Жадид зиёлилари ўз асарларида миллий тараққиётнинг иқтисодий омиллари, жамият маънавий-ахлоқий покланишида диннинг ўрни, фан ва техника ютуқларини эгаллаш учун маориф тизимини қайта қуриш лозимлиги масалаларини ёритдилар.

Диссертацияда жадидлар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини қуйидагича тасаввур қилганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, улар қурмоқчи бўлган давлат исломга ҳурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрихоҳ бўлиши лозим эди. Улар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

Туркистонлик фидоий зиёлилар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди дейиш эмас, албатта. Зероким, кейинчалик бу ҳаракат сиёсий жиҳатдан такомиллашиб, ўз дастурига эга бўлган ва инқилобий тус олган ҳаракатга айланиб, муайян натижаларга эришилди.

Тадқиқотда “Ҳар миллатнинг уламози, аҳли қалами, мутафаккирлари, - таъкидлаган эди Маҳмудхўжа Бехбудий. - Ўз миллатининг намояндаси учун

йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насихат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муҳокамалар қилурлар”<sup>1</sup> - деб инсонлар манфаатларини ҳимоя этиш каби фалсафий ғояларида инсон омилига урғу берган. Жадидлар ўзларининг ижтимоий-фалсафий қарашларида, таълимни қадрият сифатида англаш ҳар бир фуқаронинг олий бурчидир, деб англаган ҳолда энг аввало илм олиш лозимлиги, таълим-тарбиянинг муҳимлигига эътиборларини қаратишди. “Илм ва фаннинг тараққийси ва ёрдами ила ер юзиндаги мухталиф миллатларнинг ҳар навъ аҳволи мутамаддун овропалиларнинг кўзи олдиндадир. Бу дунё ҳаёт муборизаси майдони бўлганидан бир кучлик нимарса кучсизини эзар, ютар. Бу қонуни табиат ҳар бир жонсиз ва жонлик нарсалар ҳақида умумий ва жорий бўлиб келмақдадур. Анинг учундирки, замонамиздаги ҳукуматлар бошиға тез-тез янги ҳодисалар воқеъ бўлиб, ушбу замон силоҳи ила қуролланмаган ҳукуматлар ўз мамлакат ва истиқлолларидан маҳрум бўлмоқдадурлар”<sup>1</sup> - деган фикрларида илмсиз жамиятнинг ҳоли ҳамиша қарамликда бўлиши мумкиндир, деб таъкидладилар.

Жумладан, Исҳоқхон Ибрат таълимдаги катта ислоҳотларидан бири болаларни мактабдан бездирувчи ва муаллимга нисбатан нафрат уйғотувчи тан жазоси бериш қоидаларига биринчилардан барҳам берган. Исҳоқхон Ибрат нафақат мактабда балки оилада ҳам болани жазолаб тарбиялаш нотўғри усул эканлигини таъкидлади.

Мутфаккирнинг “Маданият ҳақида маснавий”, “Тарихи чойхона”, “Газета хусусида”, “Туркистон аҳлига хитоб”, “Табрик Намангандин”, “Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор”, “Қалам”, “Мухаммаси Ибрат” каби дурдона асарлари маълум. Ибрат ўз ижоди илғор фан-техникани оташин куйлаб, халқни қоқоқликда сақловчи эски қонун-қоидаларни кескин фoš этди. Маърифатпарвар Ибрат ижодида ёшларни дунёвий билимлардан баҳраманд бўлишга чорлаб, хотин-қизлар ва аёллар ўртасида мактабнинг аҳамияти ҳамда фан ютуқлари тўғрисида тарғибот – ташвиқот ишларини олиб борган.

Шунингдек, Муҳаммадшариф Сўфизода ҳам ўзбек демократик ва маърифатпарварлик даврининг таниқли вакили ҳисобланади. У1880 йили Чуст шаҳрида туғилган. Қўқон шаҳрида яшаб, Муқимий адабий тўғарагида фаол қатнашиши унинг дунёқарашининг шаклланиши, шу даврда яратилган ҳажвиялари, маърифат ҳақидаги қатор шеърлари орқали демократик адабиёт муҳитига кириб келишида муҳим аҳамият касб этади.

Сўфизоданинг тафаккур дунёсида жафоқаш, эзилган халқ аҳволи доимо диққат марказида бўлади. Умри чўрилик билан ўтаётган масъума қизлар, шўрпешона оналар, эши олдида термулиб турганоч-наҳорлар алломани изтиробга солади.

<sup>1</sup> Бехбудий М. Миллатлар қандай тараққий этарлар? // Самарқанд газетаси, 1913 йил, 30 июль.

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Истиқбол қайғуси. //Ойна, 1913 йил, № 2-сон.

Буюк адиб, файлусуф-шоир ва педагог Садриддин Айний 1878 йил 15 апрелда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Отаси Саидмуродхўжа меҳнатсевар ва инсонпарвар, фан ва адабиётга ҳавас қўйган киши бўлган. У иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўз болаларини мактаб ва мадраса ўқитиб, уларнинг маърифатли кишилар бўлиб улғайиши учун ҳаракат қилади.

Садриддин Айний ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун намунадир. У ёшларни меҳнат қилиш, меҳнат аҳлини севиш, кучли ирода эгаси бўлишга, қийинчиликлардан қўрқмасликка ўргатди. Шунинг учун ҳам ёш авлод Садриддин Айнийни ўзининг устози ва мураббийси, деб севади ва ҳурмат қилиб келмоқда.

Садриддин Айний томонидан ёзилган дарсликлардаги ғоялар ва қарашлар таълим-тарбия мақсадига қаратилган бўлиб, Айний ижодининг ҳар бир йўналишида Ватан ва инсонга муҳаббат алоҳида ўрин олган. Унинг ёшларга қарата доимий шиори “Ўқишга ғайрат қил, одам бўл. Кейин кучининг етгунча ўз Ватаниннга хизмат қиласан...”. Садриддин Айний ватанпарварликнинг бош йўли она тилига муҳаббат деб ҳисоблаган. Шу сабабли мактаб очиб болаларни ўз она тилида ўқитган. Шунингдек, Айний ўзининг “Қиз бола ёки Холида” номли ўқиш китобининг “Одобли қиз бола”, “Яхши қиз бола”, “Қўй билан қўзи”, “Қўй ўз қўзиси учун жонини фидо қилди”, каби бобларида инсонпарварлик ғояларини олға суради.

Жадидларнинг барча асарларида фақат дин, тил эмас, балки ахлоқий масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Улар ахлоқий масалаларни ҳал қилиш жамият тараққиёти учун муҳим омил эканлигини теран англаганлар. Хусусан, маҳаллий аҳоли турмушидаги баъзи урф-одат ва анъаналарнинг моҳиятини таҳлил қилиб, уларга ахлоқий нуқтаи назардан баҳо берганлар. Айниқса, жадидларнинг тўй-маъракалар ва дафн маросимлари ҳақидаги қарашлари айни кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Инсонпарварлик-гуманизм тушунчаси жадидлар фаолиятида француз маърифатпарварлари қарашларида қандай тушунилган бўлса, ана шундай намоён бўлган, яъни дунёвий илмлар инсониятнинг барча қатламлари, миллат ва элатлари томонидан яратилган, мантиқ ва тажриба синовидан ўтган билимлар бўлиб, у эса, ўз навбатида, бирон – бир гуруҳ ёки дин (миллат) манфаатлари билан чегараланмаган ва ундан барча халқлар тенг фойдаланиши мумкин бўлган инсоний қадриятлар эканлигини тушуниб етганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун биз ўзида комиллик фазилатларини мужассам этган баркамол инсон тарбиясини маънавий – маърифий ишларимизнинг пировард мақсади деб билар эканмиз, ёшлар тарбия инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрқпарварлик ва фидойилик туйғуларини қарор топтиришда буюк аждодларимиз белгилаб ўтган ахлоқий фазилатларни устувор деб биламиз.

Диссертациянинг учинчи боби “**Жадидларнинг комил инсон ҳақидаги қарашларининг гуманистик моҳияти**” деб номланади. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон худудида шаклланган жадидчилик ҳаракати

намоёндалари томонидан илгари сурилган гуманистик қадриятларда фалсафий нуқтаи назардан ўша даврдаёқ креатив асосда қайта ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Зероки, бунинг фалсафий асослари Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида таҳлил ва тавсиф қилинган бўлиб, улар ҳалқчил мазмун касб этганлиги оддий ҳақиқатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, комил инсон – маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг иккаласи ҳам инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади. Комил инсон кишилик жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўтабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси – иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари – маънавияти юксак, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради.

Туркистон жадидларининг йўлбошчиси бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий таълимнинг жамият тараққиётидаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаб: “Замон илм ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур”,- деб ёзади. Миллат ўз даврининг замонавий илм-фанини эгалламас экан, ўзлигини англай олмайди, шунинг учун бошқа халқларга қарам бўлишга мажбур бўлади. Уларнинг фикрича, фақат миллий мактабларда илм олиш кифоя қилмайди, чунки фан ва техника ҳамда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмларни эгаллаш учун Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари олий ўқув юртларида ўқиш мақсадга мувофиқдир.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати вужудга келишида самарқандлик Маҳмудхўжа Бехбудий муҳим роль ўйнаган бўлса, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков бу ҳаракат тепасида турган бўлсалар, уларнинг етакчиси Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкент жадидларининг отаси деб эътироф этилган. Мунавварқори XX аср зиёли ўзбеклари томонидан бир овоздан «маънавий илҳомчи», «буюк миллатнинг буюк келажак мақсадлари учун туну-кун тиним билмаган халқ хизматкори» деган унвонларга сазовор бўлган.

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний инсонларнинг ўзлари буюк қадрият эканлигини кишилар онгига сингдириш ва тушунтиришни асарларининг бош мавзусига айлантирган. Авлонийнинг фикрига кўра, инсон инсоннинг ақл – заковати сабаб оламдаги барча махлуқотлардан фарқ қилиб, ўз гўзаллиги ва онглилиги билан бутун борлиқнинг кўрки саналади. Инсон илм эгаллайди ва эгаллаган илми сабаб бутун дунёни бошқаради. Шу билан бирга барча мавжудотлардан фарқли ўлароқ ўз ақл фаросати сабабли бошига тушиши

мумкин бўлган ҳар қандай офатлардан сақланади. Инсоннинг руҳи ишловчи, ақли бошловчидир деб таъкидлайди аллома. Маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшлар ақлий камолоти ҳақида қайғуриш инсонпарварона қурилган жамиятнинг муҳим вазифаларидан асосийси бўлиши лозимлигини уқтиради<sup>1</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги асосий ижтимоий ҳаракат жадиличлик ҳаракати бўлди. Жадиличлик маърифатпарварликдан кучли ижтимоий-сиёсий ҳаракатгача бўлган ўзига хос мураккаб ривожланиш йўли - Хива жадиждари фаолиятида ҳам айнан шу йўл кўзга ташланади. XX аср биринчи чорагида Хоразм ижтимоий- сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, истиқлол ва тараққиёт учун кураш олиб борган ягона куч Ёш хиваликлар партияси (фирқаси) эди.

Хива маърифатпарвар - жадиждари қарашларидаги энг муҳим хусусият сифатида, улар нафақат ўзлари яшаган даврда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий аҳвол, таълим тизимининг орқада қолиши - юрт тараққиётга тўсиқ бўлганликларини кўра билганлар, балки улардан халос бўлиш ҳақидаги ва истиқболни таъминлаш имкониятларини излаганлар. «Ёш хиваликлар» партиясининг ташкилотчиси, раҳбарларидан бири - ўзбек халқининг тараққийпарвар сиймоларидан, хива жадиждари ҳаракати етакчиси Полвонниёз хожи Юсупов ҳисобланади. Полвонниёз хожи Юсупов бутун умри давомида миллий давлатчилик тузуми тарафдори бўлиб, бунга осонликча эришиб бўлмаслиги, ўзгаришлар қилиш эса осон кечмаслигини, улуғ мақсадларга эришиш миллат маданияти, маърифати, илм-фаннинг ривож билан боғлиқлигини теран англаган.

Ушбу бобда Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Полвонниёз Хожа Юсупов, Сиддикий-Ажзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Хожи Муин, Сайид Ризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Исматулло Раҳматуллаев кабилар эрк, истиқлолга эришиш учун миллий онгни ўстиришда илғор- прогрессив ғоялар зарурлигини пайқадилар. Шу ғоялар орқали улар миллий уйғониш, яъни жамиятни тубдан ислоҳ қилиш - модернизация қилишга чорладилар.

Туркистоннинг ижтимоий аҳволи оғирлиги натижасида ўлка бўйлаб жадиждарнинг миллий-озодлик ҳаракати, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мақсадлари кун тартибига асосий масала сифатида қўйилди. Бу Ватан ва миллат озодлиги йўлидаги курашга асос бўлди. Илмимизни “Туркистон иқтисодий ва ижтимоий фойдасига ишлатмак ва натижалик ишлар майдонга қўймоқ учун шу мамлакатнинг аҳволи ва руҳига мувофиқ ҳаракат этиш қанча керак бўлса, маориф ишларининг жиддий, Туркистон бошлиқ-раҳбарларга муҳтожмиз”<sup>2</sup>. Бундан кўринадики, келажакда мамлакат тараққиёти ҳам, озодлиги ҳам ёшларнинг илмига боғлиқ. Етук маърифатпарвар Исматулло Раҳматуллаев ўзининг илмий асарларида ўша давр ёшларига мурожаат қилар экан, қуйидаги ахлоқий ўғитларни насихат қилиб қолдирган. Унингча “ Ёш авлод, энг аввало илм-фан тараққиётидан хабардор бўлиши, уларнинг меҳнатининг таги роҳат эканлиги, халқ тўқ бўлса, мамлакат обод бўлишини

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент.: Ўқитувчи, 1992. –Б.17.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев И. “Алифбе таълими” // Ўқитувчилар газетаси. – 1991, 16 март. -№ 31.



сода ва тушунарли тилда баён этилиб, унинг педагогик фаолияти орқали ёшларга таълим бериларди. Самарқандлик маърифатпарвар жадид Исматулла Рахматуллаевнинг ҳикоя ва шеърлари катта тарбиявий аҳамиятга эга. Мисол тариқасида “Бекорчилик – ишларнинг ёмонидир. Мен бекорчиликдан безорман. Тирик бекорчидан ўлик яхши. Дунёда ҳар бир жондан бирор хизматга ва ҳар бир киши маълум вазифага эга”<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Илм-маърифатнинг йўли оғир, лекин бу йўл орқали мустақиллик ва тараққиётга эришгандагина, халқимиз фаровон яшаши мумкин.

Самарқанд жадидлари орасида Ватан, халқ озодлиги масалаларини теран англаб етган ва уни ўз ижодида асосий мавзулар сирасига киритган Ҳожи Муин ўз эътиборини шу даврнинг долзарб ижтимоий муаммоларига қаратди ва ўзининг бадиий асарларида замонасининг долзарб ижтимоий муаммоларини ёритишга ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилган.

Ҳожи Муиннинг ижтимоий-сиёсий қарашларида алоҳида ажралиб турган томон шундаки, у жамиятни турли соҳаларини модернизация қилиш лозимлигини ўз фикрларида қатъийлик билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Жумладан, давлатнинг энг асосий бўғини бўлган химоя тизимини янгиланиши ва инновацион кўринишда, ёш аскарларни қудратли миллий армияга айланиши орзу истакларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлайди ва “Аскарлик жиҳатдан ҳолимиз ёмондир. Ҳолбуки, юртни сақламоқ ва халқнинг тинчлигини тайин этмак учун аскар керакдир. Туркистоннинг ерли аҳолисидан аскар олмоқ учун марказда яхши қарорлар чиқарилгон ва бултур аскар олина бошлагон бўлса-да, бу ишдан ҳануз яхши бир натижа кўра олғонимиз йўқ”<sup>2</sup>, - деб муносабат билдирган. Бу эса ўз даврига баралла билдирилган эътироф ва келажакка қаратилиб айтилган ҳайқириқдир.

Қайсики, Вадуд Маҳмуд наздида маънавий эркинликнинг негизи билимга, маърифатга интилиш, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда яшашдан иборатдир.

Диссертацияда янгиланаётган Ўзбекистонда янгича дунёқарашнинг шаклланишида, миллатнинг миллий ўзлигини англашида маънавий ва маданий меросимизнинг, миллий қадриятларимизнинг ўрни ва ролини яна бир бора ёш авлод орасида кенг ёйиш ва тарғиб қилиш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги таъкидланган. Қайсики, президентимиз таъбири билан айтганда, “кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф

<sup>1</sup> Рахматуллаев И. “Алифбе таълими” // Ўқитувчилар газетаси. – 1991, 16 март. -№ 31.

<sup>2</sup> Ҳожи Муин. Сўз, қарор ва иш // Меҳнаткашлар товуши газетаси, 1921 йил, 26 май.

Фитрат, Ибрат домла, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар”<sup>1</sup>.

Шуни эътироф этишимиз керакки, жади́длар моддий ва маънавий қийинчиликлар, ғоявий – сиёсий тазикларга қарамасдан, юртни, миллатни маънавий юксалиши учун сидқидилдан ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб масъулиятли бурилиш даврларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ўзлигини тикламоққа азм шижоат қилган ҳар бир миллат бу йўлда ўзига хосликни, мустақил ривожланиш йўлини танлайди. Бу йўлда аждодлар ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бу шижоат ва фидойиликни биз жади́д маърифатпарварлари сиймосида яққол кўрамыз.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Миллий фалсафий тафаккур ривожидида комил инсон тўғрисидаги жади́дчилик таълимотининг ўрни”** деб номланади. Қадимги Турон заминида буюк алломалар ва мутафаккирлар кашф этган бой илмий мерос умумжаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим роль ўйнагани жумлаи жаҳонга маълум. Маънавият, маърифат ва илм-фан тараққиёти учун, ҳатто жонини ҳам бахшида этган ўзбек тараққийпарвар ва маърифатпарвар зиёлиларимизнинг ўрни алоҳида мавқеъ касб этади. Уларнинг илмий меросини ўрганиб ҳаётга қайта тадқиқ этмоғимиз жуда ҳам керак. Шу муносабат билан Ўзбекистонда туб ўзгаришлар даври ҳисобланган бир пайтда ота-боболаримиз ҳаёти тарихи, фан фидойиларининг илмий-ижодий йўли ва ижтимоий-фалсафий қарашларини халқимизга етказиш долзарб, деб ўйлаймиз.

Туркистон жади́дчилигидаги маърифатпарварлик билан жамиятнинг маънавий такомилли ўртасида уйғунлик мавжуддир. Жади́длар маърифат, яъни халқ орасида таълим-тарбия усулларини давр талабига мослаш ва саводхонликни кенг тарқатиш орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш мумкинлиги ғоясини илгари сурдилар. Уларнинг нуқтаи назарича, маърифат билан маънавият аслида маданиятнинг таркибий қисмлари бўлиб, унинг негизида вужудга келади. Маънавият маърифатнинг юксак босқичи бўлганлиги туфайли, унинг даража ва кўламини ифодалайди. Демак, маънавият инсон онглилигини кўрсатувчи, унинг ўз-ўзини англаши, хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатларининг оқибатини белгилайдиган, маданий савиясидан иборат бўлган инсоний фази́латдир.

Ўзбекистонда ёшларни миллий-мафкуравий тарбиялашнинг назарий, услубий, амалий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш баркамол авлодни вояга етказишнинг омилларидан эканлигини таъкидлаш лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// Xalq so'zi, 2020 йил 01 октябр, № 207 (7709) сони.

Ёшларни жамият ҳаётидаги ва миллий тараққиётимиздаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш – мустақил сиёсатимизнинг узвий қисмидир.

Туркистонлик илғор зиёлилар миллий таълим, матбуот, нашр соҳаларида олиб борган фаолияти орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар Туркистонда Чор Россияси мустамлакачилигининг ижтимоий-сиёсий илдизларини кулатишга астойдил ҳаракат қилганлар. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эътироф этишича, хонликлар 50 йил илгари дунёдан ажралган бўлиб, дунё эришган ютуқлардан фойдалана олмаганлар ва бу миллий давлатчиликнинг йўқотилиши, мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг сабабларидан бири бўлди, бу эса Туркистон халқларининг Европа қонунлари асосида яшашга мажбур қилди. Лекин улар мазкур қонунларни билмайдилар. Ҳуқуқларни билиш, уларни ҳимоя қила олиш учун билимга эга бўлиш лозим<sup>1</sup>. Саид Ризо Ализода таъкидлаганидек, мактаб сиёсатини тўғри йўлга қўйиш жамият, иқтисод ва маданиятнинг тараққиётига муайян даражада таъсир кўрсатиши аниқдир. “Аmmo биз Туркистон мусулмонлари, - деб ёзган эди С.Ализода, - наинки жадида мактаб ва мадраса очаяпмиз, балки ҳанузгача, уларнинг бидъат ва ҳаром санаяпмиз. Билмайман, биз Туркистон мусулмонларига нима бўлган? Эй, туркистонлик биродарлар! Эй, юртдошлар! Ғафлат қачонгача! Жаҳолат қанчалик...?”<sup>2</sup> дея бонг урган эди.

Ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик механизмини билиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш мустақилликнинг ижтимоий негизларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Самарқандда яшаб, ижод этган “ўнлаб маърифат фидойиларининг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда”, деб таъкидлади. Шунинг учун ҳозирги глобаллашув даврида келгуси авлодда ватанпарварлик ҳиссиётларини шакллантириш ниҳоятда долзарб масаладир.

Зероким, фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмоний соғлом бўлиши учун доимий қайғуриш, курашиш зарурдир.

Диссертацияда жадидларнинг ижодидаги маърифатпарварлик ғоялари бевосита комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги очиб берилган. Чунки жадидлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий асосларини тубдан қайта куриш учун, албатта, шу замон мезонларига жавоб бера оладиган комил инсонлар зарурлигини эътироф этдилар. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов: «Комил инсон деганда, биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>3</sup> - деган тавсифига мос инсонларни тарбиялаб, вояга етказишни орзу қилган эдилар. Туркистон жадидчилиги

<sup>1</sup> Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва уларнинг давлатчиликка оид қарашлари. // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Тошкент.: Шарқ, 2001. –Б.150.

<sup>2</sup> Фарход Ализода. Сайид Ризо Ализода. Тарихий – библиографик очерк. –Тошкент.: Абу Матбуот Консалт нашриёти, 2011. –Б.38.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т-7. –Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. –Б.6.

вакилларининг комил инсонни шакллантириш ғояси бошқа даврлардагидан фарқли ўлароқ маърифатпарварликка бориб тақалади. Шунинг учун улар миллатни маърифатли қилиш билан баркамол авлодни тарбиялаш, орқали ёрқин келажак мамлакатни ва истиқболга эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Шунингдек, Туркистон тарққийпарварлари ва жадидларини аёлларнинг илмсизлиги масаласи доимий ташвишлантириб бу ҳолатни ҳатто бошқа мусулмон давлатлари билан солиштиришга ҳаракат қилганлар.

Маърифпарвар зиёлилар маҳаллий ёшларни ўз она-Ватани ва миллатини келажаги борасида жон куйдирувчи, минтақа ҳаётида муҳим ўринларини эгаллаши ва мутахассислар бўлиб етишишларида хориж тилини ўрганиш сув ва ҳаводек зарурлигини матбуотларда қайта-қайта таъкидлаганлар.

Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг белгиловчи омили бўлган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун ғоявий асос мавжуд - у ҳам бўлса аجدодларимизнинг сермазмун маънавий мероси, урф-одатларимизга хос маърифатга, юксак билимга ва касб-хунарга, ахлоқий етукликка интилиш каби хислатлари бўлиб, улар асрлар давомида шаклланган, сайқал топган.

Мустақиллик шароитида концептуал нуқтаи назардан жадидчилик таълимоти биз тасаввур қилганимиздан кўра ҳам кўпроқ аҳамият касб этди. Ушбу таълимот мустақиллигимизни мустаҳкамловчи турли маънавий имкониятларни намоён этди, мураккаб ўтмишимизни ижодий тушунишимизга имкон берди. Ҳозирги даврда жадидчиликнинг ижодий, маърифий салоҳияти юксак маънавий режа ва тадбирларимизни амалга ошишини таъминлайдиган маънавий пойдевор эканлигидан далолат беради.

Ўрни келганда айтиш лозимки, юз йил муқаддам ёшларни билимли-илмли бўлишига доир Беҳбудий томонидан билдирилган фикр бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ўзбекистонлик ўғил-қизлар нафақат Европага, балки Америка, Жанубий Корея, Хитой, Япония, бошқа давлатларга ҳам юборилмоқда. Ўзбекистон ёшлари учун инглиз, немис, француз, рус, хитой – турли чет тилларини ўзлаштириш кун тартибидан алоҳида ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, Беҳбудий каби барча маърифатпарвар аجدодларимизнинг асрий орзулари амалга ошаётир.

Бугунги кунда ёш авлодни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирилганда, уларга халқимизга хос бўлган буюк хусусиятлар билан бирга маънавий юксалишимизга салбий таъсир кўрсатаётган, олдинги замонлардан қолиб кетган номақбул одатларнинг салбий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишимиз лозимдир. Биринчи навбатда, қариндош-уруғчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, худбинлик ва лоқайдлик, ўзгаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этишимиз лозим. Яъниким, инсонни бахтли оғирини енгил қилиш, одамзодни қирғин барот урушлардан сақлаш, турли миллий, ирқий, сиёсий келишмовчиликлардан асраб қолишнинг турли концепциялари ишлаб чиқилган бу борада диний, дунёвий-прогрессив таълимотлар яратилмоқда.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзусида акс этган мазкур муаммонинг илмий тадқиқи қуйидаги назарий-методологик хулосаларга, уларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий тақлиф-тавсияларини ишлаб чиқишга олиб келди:

1. Замонавий Ўзбекистон шароитида таълим-тарбия парадигмасининг ворисийлик қонуниятлари ва генезиси XX аср бошларида шаклланиб амалий фаолиятда кенг ўрин тутган, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт, адабиёт, санъат, дин ва барча ижтимоий жараёнларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аксиологик жиҳати, жадиदчилик таълимоти билан узвий боғлиқ жараён эканлигидан далолат беради;

2. Шарқ тамаддуни ва тадрижийлигини белгилаб берган комил инсон концепцияси ва унинг фалсафий парадигмал аҳамияти ва муаммолари замонавий олам манзарасида кечаётган глобал, регионал ва миллий аспектларда, жумладан Республикамиздаги туб ислоҳотлар халқнинг ўзлигини англаш ва онг стереотипларини ўзгартириш орқали давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларига, шахс камолотига, жамиятимизнинг маънавий юксалишига фалсафий англаш орқали назар ташлашни тақозо этади. Шу маънода жадидчилик таълимотининг маориф ва маърифий йўналиши долзарб эканлиги муҳимдир;

3. Жадидлар дунёқарашининг шаклланишига таъсир этган мавжуд муҳит уларнинг эрк, мустақиллик, озодлик, фаровон ҳаёт, миллатпарварлик, баркамол авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадларга эришувларини чегаралаган эди. Жадидларнинг борлиқнинг умумназарий масалалари, хусусан инсон ва унинг моҳияти, оламнинг билишда ақлнинг роли каби рационалистик қарашлари жамият тараққиёти ва миллат тақдири билан боғлиқ фалсафий муаммолар билан ҳамоҳангдир. Хусусан илм ва дин мутаносиблиги ва уларнинг ажралмас компонент эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир;

4. Комил инсон концепциясининг Шарқона генезиси ва ворисийлиги умумлаштирилганда, руҳий-маънавий етуклик, баркамол инсон - ўткир ақл, теран ҳис – туйғулар, ўткир сезиш қобилияти, идроки ва юксак фазилатга эга бўлган инсон эканлиги маълум бўлади. Хусусан, инсоннинг фалсафий тафакур юритмоқлик учун - инсоннинг зеҳни ўткирлиги кенг бўлишини талаб этади. Комил шахс фазилатларида киши ақлни ҳуда-беҳуда нарсаларга сарф этмаслиги, ҳар бир сўзи ақл ва одоб тарозисида тортилиб, мулоҳазаси эътиқодига монанд бўлмоғи, бажарган ҳар бир ишидан афсус чекмаслик учун одоби билан бошқаларга намуна бўлмоғи ва ажралиб турмоғи лозим. Энг асосийси билим барча кушандалик ва жаҳолатга қарши қурол эканлиги жадидларнинг энг асосий фалсафий ғоясидир;

5. Жадидлар инсоннинг моҳиятини тушунтиришда гуманистик антропоцентризм позициясидан туриб ёндашганлар. Жадид намоёндалари тарихий-фалсафий анъаналарни давомчиси сифатида борлиқнинг диалектик бирлигини инсон ақли билан очиб беришни таъкидлайдилар. Илоҳийлик ақлда ва ақл ҳамда борлиқнинг бирлиги каби фалсафа жадидлар ғоясига

мазмунан бирлашганлигидадир. Жадидлар ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, илмий рационалистикни сақлаган ҳолда, илмий тушунчаларни диний эътиқод билан мувофиқлаштиришга интиланлар. Жадидлар фалсафий қарашлар ва Қуръон таълимоти ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар.

6. Жадидлар фалсафий дунёқараши ўз моҳиятига кўра, ижтимоий – тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқоболини намоён қилиш имкониятига эга бўлган куч сифатида миллатни миллий истиқлол, эрк, ижтимоий тузум ғоялари атрофида бирлаштиришга йўналтирилган эди.

7. Жадидлар фалсафасида борлиқ ҳақидаги умумий тамойиллар бўлган илмийлик, тарихийлик, универсаллик, ворисийлик каби категориялар кўзга ташланади. Бу залворли ва миллат тақдири боғлиқ фалсафий фикр ва ғоялар маърифатпарвар-жадидларнинг диққат марказида турган, бу борада ўзларининг долзарб фикр ва қарашларини баён қилинган.

8. Умуман олганда, Темурийлардан кейинги бўлган давр ўзбек фалсафасида онтология ва гносеология эмас, балки ижтимоий фалсафа, айниқса, маънавият, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, мантиқ ва дин фалсафасига кўпроқ аҳамият берилган. Шу билан бирга, айниқса, шеърият қарийб тўла-тўқис фалсафанинг айтар сўзи ва сўзлайдиган тилига айланган. Шарқона қадриятлар, халқимизнинг эзгу ғоялари ва жамият ҳаётининг фалсафий тамойиллари адабиёт орқали ифодаланган, ўзбек фалсафасининг ўша даврга хос долзарб масалалари ва мавзулари адабиётимизнинг нодир дурдоналари орқали намоён бўлган. Гулханийнинг “Зарбулмасал”и, Анбар Отиннинг “Қоралар фалсафаси”, Муқимийнинг “Танобчилар”, Аҳмад Дониш, Мунис ва Огаҳийнинг тарихий-фалсафий асарлари бунинг яққол далилидир.

9. Туркистон жадидларининг таълимотининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, миллий истиқлол ва миллий ўзликни англаш борасида илгари сурган муаммоларига бир назар ташладик. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир жадид мутафаккир ўз асарларида бу масалаларни ўрганган ва уларнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиб берганлигини гувоҳи бўлдик. Уларнинг бу борадаги фирк-мулоҳазалари ҳозирги глобаллашув жараёни шиддат билан илгарилаб бораётган бугунги даврда ҳам жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

10. Инсонпарварлик-гуманизм. антропоцентризм тушунчалари жадидлар фаолиятида француз маърифатпарварлари қарашларида қандай тушунилан бўлса, ана шундай намоён бўлган, яъни дунёвий илмлар инсониятнинг барча қатламлари, миллат ва элатлари томонидан яратилган мантиқ ва тажриба синовидан ўтган билимлар бўлиб, у эса, ўз навбатида, бирон – бир гуруҳ ёки дин (миллат) манфаатлари билан чегараланмаган ва ундан барча халқлар тенг фойдаланиши мумкин бўлган инсоний қадриятлар эканлигини тушуниб етганлар.

11. Жадидчилик таълимоти ўзининг ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, тарихий нуқтаи-назардан эзгуликка асосланган инсонпарварлик ғояларидан озикланган ҳолда ўз давридаги қолоқ ва тарқоқлик ҳолатига

тушган юртни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш ва тараққиёт йўлига бошлаш учун миллий онгни маърифат нури билан ёритмоқ зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам комил инсонни тарбиялаш, баркамол авлодни шакллантириш жаҳид зиёлиларининг бош мақсадига айланди, улар фалсафасида янги давр қаҳрамони образи шаклланди.

12. Фалсафий тафаккур тарихида “комил инсон” тушунчаси анча қадимий бўлиб, у барча шоир ва мутафаккирлар ижодидан ўрин олган, шунингдек, бу ғоя жаҳидчилик таълимотида ўзига хос мазмун касб этиб, “зиёли шахс” қиёфасида гавдаланади. Зероки, маърифатпарвар-жаҳидлар ҳам ўз фаолиятларида инсоннинг маънавий баркамоллиги учун ҳар томонлама хизмат қилганлар ва бу борада муайян натижаларга эришганлар.

13. Мустақиллик шароитида жаҳидчилик таълимотини холисона ўрганиш тикланди ва Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбеклар маданиятида буюк ақлий ва интеллектуал ҳаракат сифатида қаралди. Концептуал нуқтаи назардан жаҳидчилик биз тасаввур қилганимиздан кўра ҳам бой аҳамият касб этди. У мустақиллигимизни мустаҳкамловчи турли маънавий имкониятларни намоён этади, мураккаб ўтмишимизни ижодий тушунишимизга имкон беради. Бизнинг давримизда жаҳидчиликнинг ижодий, маърифий салоҳияти юқори ижтимоий вазифаларимизни ҳақиқатда амалга ошишини таъминлайдиган маънавий пойдеворлигидан далолат беради.

14. Жаҳидларнинг концептуал фалсафий ғоялари ҳозирги инновацион ўзгаришларнинг даракчиси, бугунги кундаги стратегия йўналишдаги демократик ислохотларнинг генетик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки уларнинг сиёсий дастурлари умуминсоний хусусиятларни асосан эрк, озодлик, адолат, мустақиллик каби ғояларни тараннум этади. Бу эса ўз навбатида жаҳидчилик ҳаракати мустақилликка эришишимизга ғоявий асос бўлган назарияларни илгари сурганлигидан далолатдир.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, жаҳидлар маънавий меросини кенг оммага етказиб бориш мақсадида фестивал, конкурслар ташкил этиш ҳамда уларни оммавий ахборот воситалари орқали эшиттириш ва кўрсатувлар орқали тарғиб қилиш;

иккинчидан, жаҳидлар таълимотидаги одоб-ахлоқ, тарбия масалаларига доир ғояларини “Фалсафа”, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, “Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Фалсафа тарихи”, “Таълим ва тарбия масаласи”, “Миллий ғоя ривожидида қадриятлар тизими”, “Тарбия” фанларида кенгроқ ёритиш;

учинчидан, миллий ғоя ва фалсафа йўналишлари талабалари учун жаҳидларнинг фаолиятини атрофлича ўрганиш мақсадида “Жаҳидчилик фалсафаси” махсус курс ташкил этиш;

тўртинчидан, жаҳидлар намояндаларининг комил инсонга ҳақидаги барча бунёдкор ғояларни жамлаб китоб ҳолида нашр этиш;

бешинчидан, жаҳидчилик намояндаларини маънавий сиймосини намуна қилиб, тарбия жараёнида унлардан ибрат манбаи сифатида фойдаланиш;



олтинчидан, маърифтпарвар жаид мутафаккиралари – миллий тараққийёт ва Учинчи Ренессанс бунёдкорлари мавзусидаги илмий тадқиқот ишларини фаол ривожлантриш;

еттинчидан, Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантришга бағишланган “Жаид намояндалари – миллат фидойилари ва гултожиси” мавзусида буклет ва қўлланмалар тайёрлаш ва нашр эттириш;

саккизинчидан, жаидчилик намояндаларига оид ўзбек, инглиз, рус, турк, араб ва форс тилида хорижда эълон қилинган манбаларни таржима этиб, улар билан илмий жамоатчиликни таништириш.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**АМРИДИНОВА ДИЛРАБО ТУРСУНОВНА**

**ФИЛОСОФСКО-СОЦИАЛЬНАЯ СУЩНОСТЬ КОНЦЕПЦИИ  
ДЖАДИДИЗМА О ВСЕСТОРОННЕ-РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ**

**09.00.03 – История философии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

The theme of doctoral (DSc) dissertation on philosophical sciences is registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number № B2018.1.DSc/Fal34

The dissertation has been prepared at Samarkand State Institute of Foreign Languages.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website (www.samdu.uz) and on the website of "ZiyoNet" information and educational portal (www.ziynet.uz).

**Scientific supervisor:** **Shodiev Rustam Tokhirovich**  
Doctor of Sciences (Philosophy) professor

**Official opponents:** **Ruzmatova Gulnoz Mirahrarovna**  
Doctor of Sciences (Philosophy) professor

**Madaeva Shakhnoza Amanullaevna**  
Doctor of Philosophy, Professor


**Saifnazarov Ismoil**  
Doctor of Sciences (Philosophy) professor

**Leading organization:** **Bukhara state university**

The defense of the dissertation is held at 10<sup>00</sup> on «18» december 2021 on the basis of One-time meeting at the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.F.02.02 at Samarkand State University. (Address: 140104, 15 University boulevard, Samarkand city. Telephone numbers.: (0366) 239-13-87; fax: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz.) cabinet 105, grand floor, the department of History, Samarkand State University).

The dissertation can be taken from the Information Resource Centre of Samarkand State University (It is recorded under № 75) Address: 140104, University Square, Samarkand city. Phone.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; fax: (0366) 239-11-40.

The abstract of the dissertation is distributed on "7" 12 2021.  
(Protocol at the register № 75 dated "6" 12 2021.)



**Sh.Sh.Negmatova**  
Chairman of the Doctoral Degree awarding  
Scientific Council, Doctor of Sciences (Philosophy), docent

**H.A.Djurakulov**  
Secretary of the Doctoral Degree awarding  
Scientific Council, Doctor of Philosophy (PhD), docent

**A.R.Samadov**  
Chairman of the Scientific Seminar at the  
Doctoral Degree awarding Scientific Council,  
Doctor of Sciences (Philosophy), docent

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном процессе глобализации все чаще предпринимаются попытки всячески овладеть человеческим разумом и мышлением. А это показывает, во-первых, необходимость воспитания духовно зрелых граждан с высоким уровнем веры и моральных качеств, глубоким чувством национальной ответственности, а во-вторых, развитием исторической памяти. Само время требует продолжения богатого духовного наследия, традиций, просвещения, высокого образования, профессиональной и нравственной зрелости наших великих предков в идейной и идеологической защите подрастающего поколения в результате изменения духовно-нравственного сознания. В частности, прогрессивные взгляды наших великих предков относительно воспитания и гармонично развитого человека становятся актуальными сегодня.

В мировой науке ведутся научные, теоретические и фундаментальные исследования, направленные на изучение богатого духовного наследия великих мыслителей. В частности, в духовном наследии мыслителей конструктивное значение имеют научные исследования сущности человека, роли критериев духовного совершенства в общественной жизни, философский анализ учения о гармонично развитом человеке и социально-философские вопросы, связанные с ним. Действительно, социальные, моральные, философские идеи и учения мыслителей прошлого сегодня имеют научное и концептуальное значение в деле защиты общества от духовных угроз, повышении философского сознания подрастающего поколения и укреплении их идеологического иммунитета. В этом смысле изучение духовного и научного наследия мыслителей прошлого, особенно джадидов, с современной научно-методологической точки зрения становится объектом исследования современного научного сообщества в повышении философско-гносеологического мировоззрения молодежи.

В нашей стране особое внимание уделяется изучению представлений наших просветителей о патриотизме, стойкости, толерантности, духовном сознании, гуманизме, личностном развитии, выдвинутых в научном и духовном их наследии. «Нам необходимо изучить движение джадидов, наследие наших великих предков-просветителей. Чем больше мы будем изучать это духовное сокровище, тем больше мы найдем ответов на многие вопросы, которые все еще волнуют нас сегодня. Чем больше мы будем активно продвигать это бесценное богатство, тем больше наши люди, особенно наша молодежь, осознают ценность сегодняшней мирной и свободной жизни»<sup>1</sup>. В связи с этим актуален вопрос философского исследования конструктивного значения «концепции гармонично развитого человека», выдвигаемой представителями джадидов в развитии и повышении

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халк сўзи, 2020, 25 январь, №19 (7521) сони.

духовного облика современного общества и внедрении его концептуальных основ в сознание молодежи.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП №-3138 от 18 июля 2017 года «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», ПП №-3160 от 28 июля 2017 г. «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и выводе развития отрасли на новый уровень», Постановлении №-3721 от 12 мая 2018 г. «Об организации конкурсов чтения среди молодежи в целях широкого изучения и популяризации творческого наследия великих ученых, писателей и мыслителей», Постановлении № -5465 от 8 апреля 2019 года «О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана», а также и других нормативно-правовых актах в данной области.

**Актуальность диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информированного общества и демократического государства и путей их реализации».

#### **Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.**

Ведущие мировые исследовательские центры и высшие учебные заведения, включая Центр исследований Центральной Азии, Калифорнийский университет (США), Берлинский университет Гумбольдта, Исследовательский центр Немецкой академии наук (Германия), Оксфордский центр исламских исследований (Великобритания), Институт Центральной Азии (Франция), Ближневосточный университет (Кипр), Санкт-Петербургский государственный университет (Россия), Стамбульский университет (Турция), Национальный университет Таджикистана (Душанбе), Национальный университет Узбекистана и Самаркандский государственный университет проводят исследования, посвященные изучению вопросов, связанных с ценностями человека в наследии Восточных просветителей и проблемам влияния на его философское мировоззрение.

В источниках по истории мировой философии получен ряд научных исследований по философскому анализу учения о гармонично развитом человеке в духовном наследии туркестанских джадидов и социально-философским вопросам, в том числе и следующие научные результаты: научно обосновано духовное наследие Центрально-Азиатских просветителей, в частности, место в социальной жизни критериев совершенства в творчестве

---

<sup>1</sup><https://hu-berlin.academia.edu/IngeborgBaldauf>; <https://www.rferl.org/a/1060543.html>; <https://iranicaonline.org/articles/jadidism>; [https://dspace.spbu.ru/bitstream/11701/12707/1/dzhadidy\\_i\\_kadimity\\_1\\_2\\_glava\\_vosstanovlen\\_3\\_3.docx](https://dspace.spbu.ru/bitstream/11701/12707/1/dzhadidy_i_kadimity_1_2_glava_vosstanovlen_3_3.docx); [https://www.researchgate.net/publication/270848769\\_Jadidism\\_Phenomenon\\_in\\_Central\\_Asia](https://www.researchgate.net/publication/270848769_Jadidism_Phenomenon_in_Central_Asia)

Махмудходжа Бехбуди (Hofstra university, Нью-Йорк); обоснованы социально-философские взгляды представителей учения джадидизма и их идеи о гармонично развитом человеке в деле достижения человеком уровня совершенства (Санкт-Петербургский университет, Россия); а также Разработана классификация источников научного и духовного наследия М. Бехбуди (Институт восточных рукописей РАН, Россия), раскрыта важность идеи о том, что посредством международных связей джадидов, взаимопосещениями и взаимоотношениями между ними происходит обогащение знания человека о самом себе (Алтайский государственный университет, Россия).

